

Махмуд ПРИМҚУЛОВ

ШАХМАТ ОЛАМИ



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК 794.1
КБК 75.581
П46

Тақризчи:

Тошкент кимё-технология институти «Жисмоний маданият ва спорт»
кафедраси мудири, доц. **Р.М. Алмакаева**

Китобда шахмат спорти тарихи, ўйнаш қоидалари, халқаро ва Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Жаҳон чемпионлари, шу жумладан ўзбекистонлик жаҳон чемпиони ва ўзбек аёллари ичида биринчи халқаро шахмат устаси, Ўзбекистонда ёш шахматчиларга яратилган шароитлар Республикамиз ёш шахматчиларининг жаҳон ареналарида эришган ютуқлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Китоб сўнггида шахматга оид этюдлар, қизиқарли масалалар ва машҳур шахматчилар ўйинларидан мисоллар берилган.

Китоб шахмат спорти ихлосмандлари ва кенг оммага мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-746-4

© М. Примқулов, 2016 йил.
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016 йил.



СЎЗБОШИ

Шахмат — бу фақат ўйин эмас, доноларнинг ақл фани, деган эди Алишер Навоий. Ана шу ақл фани ҳисобланган шахмат камида бир ярим минг йиллик тарихга эга. Унинг қаерда пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бир неча олимлар томонидан ёзиб қолдирилган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг машҳур «Ҳиндистон» номли китобида шахматнинг ватани — Ҳиндистон дея таъкидлайди. Шахматнинг «чатуранга» (4 киши иштирокида столда ўйналадиган қадимги ўйин) деб номланган шакли шахматнинг дастлабки турларидан бири ҳисобланади. У Ҳиндистонда V асрда пайдо бўлган. Араб халифалиги даврида бу ўйин тури 2 рақибнинг шатранж ўйинига айланган (шатранж қисман ҳозирги шахмат ўйинига ўхшаш бўлган).

Шахмат тахтасида фигураларнинг жойлашиши ҳақидаги дастлабки маълумот Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида учрайди. Унда ҳинд донишманди Сосонийлар шоҳи Хисрав I га янги ўйин ҳақида маълумот бериб, бу ўйин шоҳнинг мот бўлиши билан тугашини айтиб ўтади. Бу ўйин IX асрга келиб Шарқда кенг тарқалган, унинг назарияси ва ўзига хос масалалари ечимлари келтирилган.



Шахматнинг Европага тарқалиши XI–XII асрларга тўғри келади. 1512 йилда В.Даминонинг «Бу китоб шахмат ўйнашни ўргатади» номли тўпламининг босилиши Европада шахмат ривожига катта ҳисса қўшди. XVI аср охирига келиб давлатлар ўртасида ҳам шахмат мусобақалари ўтказила бошланди. Биринчи халқаро турнир шахмат тарихида жуда муҳим воқеа ҳисобланади. 1851 йилда Лондонда ўтказилган дастлабки турнирда Адольф Андерсен голиб дея тан олинди. Шундан сўнг жаҳоннинг турли мамлакатларида яшовчи кучли шахматчиларда бир-бирлари билан беллаша олиш имкони туғилди. 1858 йилда Паул Морфи (АҚШ), кейинчалик яна А. Андерсен дунёда энг кучли шахматчи унвонига сазовор бўлади. 1866 йили А. Андерсен ўз даврининг ажойиб шахматчиси Вильгельм Стейниц билан учрашади. Учрашув расмий ҳисобланмасида, аслида жаҳон биринчилиги учун бўлиб ўтган ўйин эди. Партия 8:6 ҳисоби билан Вильгельм Стейниц фойдасига ҳал бўлади. 14 партиядан иборат ушбу матчининг бирортаси ҳам дуранг бўлмаганлиги — бу учрашувнинг нақадар кескин тарзда ўтганидан дарак беради. Вильгельм 1886 йилда АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида И. Цукерторт билан учрашади ва рақибини мағлуб этади. Шундай қилиб, Стейниц биринчи расмий жаҳон чемпиони унвонига эга бўлади.

Археолог ва қадимшуносларнинг тасдиқлашича, шахмат Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан ўйнаб келинган. Жумладан, 1972 йили Сурхон водийсида Далварзинтепа харобаларидан Кушон подшолиги даврига оид шахмат доналарининг, 1977 йили қадимги Суғдиёна пойтахти Афросиёбдан шахматнинг 7 фигураси топилиши Ўрта Осиёда шахматнинг улкан тарихга эга эканлигидан далолат беради.



Ўзбекистонда шахмат спорти 1990 йилларга келиб кўзга кўринарли даражада ривожлана бошлади. Мамлакат шахматчиларнинг чет элларда ўтказилаётган турли даражадаги шахмат турнирларида совринли ўринларни эгаллаши бунга яққол мисол бўлади. 2013 йил 27 мартда Тошкент шаҳрида жаҳон чемпиони Вишванант Ананд (Ҳиндистон) жаҳоннинг 17-чемпиони – Рустам Қосимжоновга қарши ўтказган ўртоқлик матчи очилишида Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжиновнинг «Шахмат тараққиёти бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ҳисобланади» деган таъкидининг ўзиёқ шахматнинг юртимиздаги ҳолатини яққол ифодалаб беради.

Ушбу китобни ёзишдан мақсад шахмат ва унинг тарихи, жаҳон чемпионлари, шунингдек Ўзбекистонда мазкур спортни ривожлантиришга бўлган эътибор, ёш спортчиларнинг ютуқлари ҳамда уларнинг дунё ёш шахматчилари орасидаги ўрни ҳақида қисқача маълумотлар билан таништиришдан иборат. Бундан ташқари китобда бошловчилар учун қисқача ўйин қоидалари, шахмат назарияси ва бир неча қизиқарли шахмат масалалари ҳам келтирилган. Шу билан бирга иловалар орқали баъзи янги маълумотлар билан ҳам танишасиз.





ШАХМАТ ҚОИДАЛАРИ


Шахмат тахтаси ва фигуралар, партияларни ёзиш белгилари

Шахмат — 32 дона (16 та оқ ва 16 та қора) билан 64 катакли тахтада икки рақиб ўртасида ўйналадиган ўйин. Ўйиндан мақсад — рақиб шоҳини мот қилиш. Ҳар бир ўйинчида саккизта пиёдадан ташқари яна бошқа саккиз фигуралар: шоҳ, фарзин, иккита руҳ, иккита фил ва иккита от донаси мавжуд бўлади. Иккала рақибнинг кучи тенг, фақат доналарнинг ранги ҳар хил (оқ ва қора) бўлади. Фигураларнинг кўриниши ва уларнинг қабул қилинган қисқартма вариантдаги ёзилиши қуйида келтирилган.


Оқлар


 — Шоҳ, қисқача Кр.


 — Фарзин, қисқача Ф.


 — Рух, қисқача Л.


Қоралар


 — Шоҳ, қисқача Кр.


 — Фарзин, қисқача Ф.


 — Рух, қисқача Л.


 — Фил, қисқача С.

 — Фил, қисқача С.

 — От, қисқача К.

 — От, қисқача К.

 — Пиёда, қисқача п.

 — Пиёда, қисқача п.

Шахмат адабиётларида қўлланиладиган белгилар:


± — оқларнинг ўйини жуда яхши;	+ — кишт (шоҳ бериш)
⊕ — қораларнинг ўйини жуда яхши;	++ — икки ёқлама кишт;
= — ўйин тахминан баравар;	0-0 — кичик рокировка;
-- юриш;	0-0-0 — катта рокировка;
: — уриш;	# — мот.

Пиёдаларни белгилаш кам қўлланилади. Пиёдалар кўпликда «пп» шаклида белгиланади. Ўйинчиларнинг доналари расмдаги тахтада кўрсатилгандек, қарама-қарши жойлаштирилади. Ушбу ҳолатда жойлашган доналар «диаграмма» деб аталади. Доскада фарзидан тахта четигача жойлашган фигуралар «фарзин фланги» ва шоҳ жойлашган тамондан тахта четигача жойлашган фигуралар «шоҳ фланги» деб юритилади.

Шахмат тахтаси ва унда фигураларнинг жойлашиши:



Қоралар



Оқлар

Доскада оқ ва қора доналарнинг дастлабки ўрни бир хил. Шахмат тахтаси бурчакларига рух (тўра)лар қўйилади, сўнгра от ва филлар, ўртада шоҳ ва фарзин. Оқ фарзин оқ катакка, қора фарзин қора катакка жойлаштиради. Шоҳ — оқ бўлса қора, қора бўлса оқ катакка ўрнатилади. Пиёдалар эса бир қаторга териб чиқилади. Фигураларнинг шахмат тахтасида юриши ҳар хил. Пиёдалар биринчи юришда бир ёки икки катак, қолган юришларда эса фақат бир катак олға юра олади. Бошқа фигураларни уриб олишда эса ўнг ёки чап диагональ бўйлаб бир катак олдиндагини олади.

Катакларни белгилаш ва ҳолатларни ёзиш

Шахмат тахтасидаги катакларни белгилаш қуйидаги тизим бўйича қабул қилинган: чапдан ўнгга йўналиш (горизонтал) қаторнинг ҳаммаси 1 дан 8 гача рақами, барча вертикал йўналиш, рақиб томон йўналиш (вертикал), — лотин ҳарфлари билан (қуйидагича: a, b, c, d, e, f, g, h) белгиланади (1-диаграмма).

1-диаграмма

a8	b8	c8	d8	e8	f8	g8	h8
a7	b7	c7	d7	e7	f7	g7	h7
a6	b6	c6	d6	e6	f6	g6	h6
a5	b5	c5	d5	e5	f5	g5	h5
a4	b4	c4	d4	e4	f4	g4	h4
a3	b3	c3	d3	e3	f3	g3	h3
a2	b2	c2	d2	e2	f2	g2	h2
a1	b1	c1	d1	e1	f1	g1	h1

Оқлар томондан

Келтирилган белгилаш ёрдамида шахмат ўйинининг ҳолатини ёзиб бориш мумкин. Масалан, бошланиш ҳолатни (1-диаграмма) қуйидагича ёзиш мумкин:

Оқлар — Kp1, Фd1, Ла1 ва h1, Сс1 ва f1, Kb1 ва g1
пш. a2, b2, c2, d2, e2, f2, g2, h2;

Қоралар – Крe8, Фd8, Ла8 ва h8, Сс8 ва f8, Кb8 ва g8
пш. a7, b7, c7, d7, e7, f7, g7, h7.

Ёзишда аввал муҳим фигуралар белгиланади, сўнгра бошқалари.

2-диаграмма

h1	g1	f1	e1	d1	c1	b1	a1
h2	g2	f2	e2	d2	c2	b2	a2
h3	g3	f3	e3	d3	c3	b3	a3
h4	g4	f4	e4	d4	c4	b4	a4
h5	g5	f5	e5	d5	c5	b5	a5
h6	g6	f6	e6	d6	c6	b6	a6
h7	g7	f7	e7	d7	c7	b7	a7
h8	g8	f8	e8	d8	c8	b8	a8

Қоралар томонидан

Тахта ҳар доим оқлар томонидан қаралади. Масалан, 1-диаграммада барча қора пиёдалар 7 горизонталда жойлашган, ўзининг 1-горизонтали 8 – деб, ҳисобни оқларнинг 1-горизонталидан бошлайди. Ҳар бир шахматчи шахмат тахта катакла-ри белгисини яхши билиши керак.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4467> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4467> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4467>